

“ЖАРҚЎРҒОН ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ 2 -СОН БАЁННОМАСИ

**Сурхондарё вилояти,
Жарқўрғон тумани, Толачи кўчаси 35-уй**

2019 йил 8 июль

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани, Толачи кўчаси 35-уй, “Жарқўрғон пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **13:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **13:50**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **14:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 5 034 990.

“Жарқўрғон пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдан йиллик умумий йиғилиши қузатув кенгаши томонидан 2019 йил 13 июнда қабул қилинган қарорга мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2019 йил 03 июнь.

Жамият қузатув кенгашининг 2019 йил 13 июнда ўтказилган йиғилишида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида қатнашиш ваколати “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ бошқарув раиси в.в.б. Ш.Курбановга берилган.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. Курбанов Шамситулла Аллаевич – “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчи - Йиғилишда раислик қилувчи;

2. Гулямов Нигматулло Кадилович – “Сурхондарё минтакавий пахта терминали” МЧЖ қимматли қоғозлар бўйича иқтисодчиси;

3. Қаюмов Махмуд Маннонович – жамият Қузатув кенгаш аъзоси.

Йиғилиш котиби этиб М.Астанакулова – жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, йиғилиш қворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни 2019 йил 13 июнда бўлиб ўтган акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишида сайланган санок комиссияси аъзоси Ш.Баратовга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси томонидан 2019 йил 03 июнь ҳолатига шакллантирилган “Жарқўрғон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 797 та акциядорга тегишли 5 034 990 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 4 062 444 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 15 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 80,68 % ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (қворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

1. Джумаев Уйғун Базарович – жамият бош директори;

2. К.Чариев – жамият тафтиш комиссияси раиси;

3.Р.Турсунов – жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директор-бош бухгалтер;

4.Х.Мамамов- “XIMOYA-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти аудитори.

5 Ш.Назаров – “DIPLOMAT-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти аудитори ва жамият ижроия органи бўлим бошлиқлари.

Йиғилишда раислик килувчи Ш. Курбанов йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.

3. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2018 йилдаги фаолияти ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги жамият Бош директорининг ҳисоботини эшитиш.

4. Жамият кузатув кенгашининг 2018 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини эшитиш.

5. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.

6. Жамиятнинг 2018 йил якунлари бўйича аудиторлик ташкилотларининг хулосаларини тасдиқлаш.

7. Жамиятнинг 2018 йиллик ҳисоботини ва 2019 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.

8. Жамиятнинг 2018 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тафтиш комиссияси хулосасини эшитиш.

9. Жамиятнинг 2017 ва 2018 йиллар якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.

10. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

11. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

12. Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

13. 2019 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик текширувини, шу жумладан Халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.

14. Жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлаш.

15. Жамиятнинг янги таҳрирдаги “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги ва “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомларни тасдиқлаш.

16. Жамиятнинг аффилланган шахслари билан келгусида жамият томонидан қундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни тасдиқлаш.

17. Жамиятда 2018 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.

18. Жамият томонидан Уруғлик чигит тайёрлашга ихтисослаштирилган масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиш.

19. Жамият томонидан 2018 йил давомида амалга оширилган хомийлик ва беғараз ёрдамларни тасдиқлаш ҳамда жамият харажатиغا олиб бориш.

20. Қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларини ҳисобдан чиқаришни кўриб чиқиш ҳамда бухгалтерия ҳужжатларда тегишли ёзувларни киритиш.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов сўзга чиқиб, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашинининг 2019 йил 13 июндаги йиғилиш қарорига кўра санок комиссияси таркибига жамиятнинг Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи – Астанакулова Мухаббат Пулатовна, жамиятнинг марказий омбор мудир – Баратов Шаймардон Суёнович ва жамиятнинг меҳнатга ҳақ тўлаш бўлими бошлиғи – Жумаев Норбой Хуррамовичлар номзодларини киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан санок комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 4 062 444 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар” - йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Уч кишидан иборат қуйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:

- 1) М.Астанакулова;
- 2) Ш.Баратов;
- 3) Н.Жумаев.

2. Санок комиссияси аъзоларига бажарган ишлари билан боғлиқ харажатларни қоплаш мақсадида бир йилда бир марта энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баробари миқдорида рағбаатлантирилсин.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилиш кун тартибида 20 та масала кўрсатилганлигини ва ҳар бир масала бўйича маърузачига - 5 (беш) дақиқадан, муҳокама учун - 5 (беш) дақиқагача вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламентини ушбу

таклиф бўйича тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 4 062 444 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламенти иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича жамият ижроия органи раҳбари - бош директор У. Джумаев сўзга чиқиб, 2018 йилдаги фаолияти бўйича ҳисобот берди (ҳисобот 1-илова қилинади).

Ҳисоботда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар, ишлаб чиқариш, молиявий-хўжалик фаолияти ва бизнес-режа бажарилиши тўғрисидаги кўрсаткичлар ҳамда ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича амалга оширилган ишлар ўз аксини топган.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан жамият бош директорининг 2018 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар юзасидан бош директор У. Джумаевга тегишли топшириқлар берилди.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорлардан бош директорнинг 2018 йилдаги фаолиятига баҳо бериш ва унинг ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 4 062 444 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2018 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин ва ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича Йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига кузатув кенгашининг 2018 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини ўқиб эшиттирди (ҳисобот 2-илова қилинади).

Ҳисоботда асосан кузатув кенгаши томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар, ўтказилган йиғилишлар, йиғилишларда қабул қилинган қарорлар ўз аксини топган.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорлардан жамият кузатув кенгашининг 2018 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 4 062 444 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият кузатув кенгашининг 2018 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов сўзга чиқиб, кузатув кенгашининг 2017 йил 15-майдаги қарори билан тайинланган ижроия органи раҳбари Джумаев Уйғун Базарович билан меҳнат шартномасини бир йил муддатга тузиш масаласини навбатдаги жамият Кузатув кенгаши мажлисида кўриб чиқиши бўйича ўз таклифини йиғилиш иштирокчилари муҳокамасига киритди ҳамда акциядорларга кун тартибидаги мазкур масала бўйича берилган таклифга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 4 062 444 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. 2018 йил якуни бўйича ўтказилан жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишидан сўнг навбатдаги “Жарқўрғон пахта тозалаш” АЖ Кузатув кенгашининг мажлисида ижроия органи раҳбари Джумаев Уйғун Базарович билан белгиланган тартибда меҳнат шартномасини тузилиши кўриб чиқилсин.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича “НМОҲА-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти аудитори Х. Маматов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2018 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича 2019 йил 30 апрелдаги Миллий стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хулосаси билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди.

Бундан сўнг “DIPLOMAT-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти аудитори Ш. Назаров сўзга чиқиб, жамиятнинг 2018 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича 2019 йил 17 - майдаги Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хулосаси билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди.

“НМОҲА-AUDIT” МЧЖ ва “DIPLOMAT-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотларининг хулосаларида “Жарқўрғон пахта тозалаш” АЖнинг 2018 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда халқаро стандартларга мувофиқ.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорлардан 2018 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича “НМОҲА-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2019 йил 30-апрелдаги Миллий стандартларга мувофиқ ва “PROGRESS AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2019 йил 17-майдаги Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хулосаларини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 4 062 444 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. “НІМОҲА-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2019 йил 30 апрелдаги Миллий стандартларга мувофиқ ва “DIPLOMAT AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2019 йил 17-майдаги Халқаро аудит стандартларига мувофиқ берилган аудиторлик текшируви хулосалари тасдиқлансин.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича жамият молиявий масалалар бўйича директори Р. Турсуновга сўз берилди ва у йиғилиш иштирокчилари эътиборига жамиятнинг 2018 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи ва 2019 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди (йиллик ҳисобот 3 -илова қилинади).

Йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорлардан жамиятнинг 2018 йиллик ҳисоботини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамкасининг 2018-йил 19-сентябрдаги “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларни янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 744-сон қарорига асосан “Жарқўрғон пахта тозалаш” АЖ “Termez jayhun Clusrter” МЧЖ га 5 йил муддатга бўлиб тўлаш шарти билан сотилиши белгиланган. Шу муносабат билан жамиятнинг 2019 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини қайта кўриб чиқиб Кузатув кенгашига маъқуллаш учун тақдим этилишини таклиф қилди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 4 062 444 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг 2018 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Жамиятнинг 2019 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси қайта ишлаб чиқилиб жамият Кузатув кенгашига маъқуллаш учун тақдим этилсин.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори Р. Турсуновга сўз берди.

Р. Турсунов жамиятнинг 2018 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тайёрланган тафтиш комиссияси хулосасини ўқиб эшиттирди (хулоса 4-илова қилинади).

Йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорлардан жамият тафтиш комиссиясининг хулосасини маълумот учун қабул қилишни таклиф этди ва ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 4 062 444 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг 2018 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тузилган Тафтиш комиссиясининг хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов сўзни жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори-бош ҳисобчи Р. Турсуновга берди.

Р. Турсунов йиғилиш иштирокчиларини кун тартибидаги масала бўйича ижроия органининг ва жамият кузатув кенгашининг таклифи билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон қарорида пахта тозалаш корхоналари томонидан 2017-2018 йиллар якуни бўйича ҳисобланадиган дивидендларни капиталлаштириш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддасига асосан жамиятнинг устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтиришда қўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айти ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг устав фонди кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, жамиятнинг устав фондини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

Бугунги кунда жамиятнинг устав фонди 3 071 343,9 минг сўмни ташкил этади.

Жамият Уставига асосан жамиятнинг захира фонди жамият устав капиталининг 15 фоиз 460 701,58 минг сўм миқдорида тузилади ва 2019 йил 01 июнь ҳолатига захира фонди 138 844,7 минг сўм, яъни устав капиталнинг 4,52 фоизини ташкил этади.

Жамият Уставада захира фондига белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдорида ажратмалар ўтказилиши белгиланганлигини ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон қарорини инобатга олган ҳолда, жамиятнинг 2018 йил якуни бўйича 455 920,0 минг сўм соф фойдасини қуйидаги тартибда тақсимланиши бўйича акциядорлар умумий йиғилишига таклиф киритиш тавсия этилган.

- соф фойданинг 5 фоизи – 22 796,0 минг сўмни захира фондига;

- соф фойданинг 95 фоизи – 433 124,0 минг сўм ҳамда 2017 йил якуни бўйича тақсимланмаган - 804 518,9 минг сўм, жами 1 237 642,9 минг сўмни жамиятнинг устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтирилишига йўналтириш тавсия этилган.

Бундан ташқари жамият Кузатув кенгашининг тавсиясига асосан икки вариант, яъни **биринчи вариант**: тақсимланмаган 1 237 642 900 сўм миқдордаги маблағни жамиятнинг устав фондини ўз капитали ҳисобидан кўпайтирилишига йўналтириш; **иккинчи вариант**; 1 237 642 900 сўм миқдордаги маблағнинг 30% ни, яъни 371 292 870 сўмни дивидендга, қолган 866 350 030 сўмни жамиятнинг устав фондини ўз капитали ҳисобидан кўпайтирилишига йўналтириш тавсия этилган.

Муҳокамадан сўнг йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорлардан кун тартибидаги масала бўйича берилган таклифга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

1 237 642 900 сўм миқдордаги маблағни жамиятнинг устав фондини ўз капитали ҳисобидан қўпайтирилишига йўналтириш масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 2 608 514 та овоз; “Қаршилар”-1 453 930 та овоз; “Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

1 237 642 900 сўм миқдордаги маблағнинг 30% ни, яъни 371 292 870 сўмни дивидендга, қолган 866 350 030 сўмни жамиятнинг устав фондини ўз капитали ҳисобидан қўпайтирилишига йўналтириш масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 1 453 930 та овоз 35,78%; “Қаршилар”- 2 608 514 та овоз 64,21%; “Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг 2018 йил якуни бўйича олинган – 455 920 000 сўм соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

- 22 796 000 сўм ёки соф фойданинг 5 фоизи жамиятнинг захира фондига йўналтирилсин;

- 2017 йил якуни бўйича тақсимланмаган 804 518 900 сўм ёки соф фойданинг 95,0 фоизи ҳамда 2018 йил якуни бўйича олинган соф фойданинг 95 фоизи 433 124 000 сўм, жами 1 237 642 900 сўмни Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон Қарори талабларига асосан жамият устав фондини қўпайтиришга етарли бўлмаганлиги сабабли, тақсимланмасдан жамғарилган фойда таркибида қолдирилсин ҳамда мазкур 1 237 642 900 сўм маблағ жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича соф фойда тақсимотида инобатга олинсин.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов сўз олди ва жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш учун жамиятнинг 2 567 840 дона акция эгаси “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ томонидан кўрсатилган номзодлар, 170 590 дона оддий акция эгаси Базарбаева Нигора Раҳимжановна томонидан кўрсатилган номзодлар тўғрисида маълумот берди.

Унга асосан Джураев Уктам Тураҳонович - “Ўзпахтасаноат” АЖ Бош мутахассиси, Тўхтамишев Мурод Соҳатович – “Ўзпахтасаноат” АЖ Иқтисодиёт ва инвестициялар департаменти бошлиғи Турсунов Санжар Рихсибаевич - “Ўзпахтасаноат” АЖ Бош мутахассиси, Искандаров Искандар Рустамович - Маркетинг ва савдо департаменти бошлиғи, Гулямов Нигматулло Кадиорович - “Сурхондарё пахта минтакавий терминали ” МЧЖ Қимматли қўғозлар бўйича иқтисодчи, Қайумов Маҳмуд Маннонович - "DAVIN BROK" МЧЖ директори, Базарбоева Нигора Раҳимжановна – уй бекаси, акциядор, акциядорлар номзодлари белгиланган тартибда кузатув кенгаши таркибига сайланиши учун кўрсатилган ва кумулятив овоз бериш бўйича бюллетенларига киритилган.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорлардан кузатув кенгашига кўрсатилган номзодларни сайлаш учун ўз муносабатларини

кумулятив овоз бериш бўйича тузилган бюллетенлар орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ томонидан кўрсатилган номзодлардан:

Джураев Уктам Турахоновичга:

“Ёқлаганлар” – 4 062 444 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Тўхтамишев Мурод Сохатовичга:

“Ёқлаганлар” – 4 062 444 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Турсунов Санжар Рихсибаевичга:

“Ёқлаганлар” – 4 062 444 овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Искандаров Искандар Рустамовичга:

“Ёқлаганлар” – 4 062 444 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Гулямов Нигматулло Кадировичга:

“Ёқлаганлар” – 4 062 444 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Базарбаева Нигора Рахимжановна томонидан кўрсатилган номзодлардан

Қаюмов Махмуд Манноновичга:

“Ёқлаганлар” – 4 062 444 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Базарбаева Нигора Рахимжановнага:

“Ёқлаганлар” – 4 062 444 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

Жамият кузатув кенгаши аъзолигига қуйидагилар сайлансин:

“Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ томонидан кўрсатилган номзодлардан:

1. Джураев Уктам Турахонович - “Ўзпахтасаноат” АЖ Бош мутахассиси;
2. Тўхтамишев Мурод Сохатович - “Ўзпахтасаноат” АЖ Иқтисодиёт ва инвестициялар департаменти бошлиғи;
3. Искандаров Искандар Рустамович – “Ўзпахтасаноат” АЖ Маркетинг ва савдо департаменти бошлиғи;
4. Турсунов Санжар Рихсибаевич - “Ўзпахтасаноат” АЖ Бош мутахассиси;
5. Гулямов Нигматулло Кадирович - “Сурхондарё пахта минтакавий терминали ” МЧЖ Қимматли қоғозлар бўйича иқтисодчиси.

Базарбаева Нигора Рахимжановна томонидан кўрсатилган номзодлардан:

6. Қаюмов Махмуд Маннонович - "DAVIN BROK" МЧЖ директори;
7. Базарбаева Нигора Рахимжановна –уй бекаси, акциядор.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов сўз олди ва жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш учун жамиятнинг 2 567 840 дона акция эгаси “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ томонидан кўрсатилган номзодлар ва жамият акциядори 1 494 604 дона акция эгаси Базарбаева Нигора Рахимжановна томонидан кўрсатилган номзод тўғрисида маълумот берди.

1. Исломов Акмал Хакимович - "Сурхондарёпахтасаноат ҳудудий филиали" МЧЖ директори.

2. Чариев Комил Абдуллаевич - Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси мутахассиси;

3. Сатторов Махмудхон Муҳаммадиевич - "Сурхондарё минтақавий пахта терминали" МЧЖ, Ички назорат ва мониторинг бўлими бош мутахассиси.

4. Абдурахмонов Муҳиддин Раҳматуллаевич, "Девор мезони" МЧЖ.

5. Қодиров Ўткирбек Фозилович - "Сурхондарё минтақавий пахта терминали" МЧЖ, Юк хуўжжатлари билан ишлаш оператори.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорлардан тафтиш комиссиясига кўрсатилган номзодларни сайлаш учун ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

"Сурхондарёпахтасаноат" ХАБ АЖ томонидан кўрсатилган номзодлардан:

Исломов Акмал Хақимжановичга;

"Ёқлаганлар" – 4 062 444 та овоз; "Қаршилар" - йўқ; "Бетарафлар" - йўқ.
Чариев Комил Абдуллаевичга;

"Ёқлаганлар" – 2 608 514 та овоз; "Қаршилар" - 1 453 930 та овоз;
"Бетарафлар" - йўқ.

Сатторов Махмудхон Муҳаммадиевич;

"Ёқлаганлар" – 2 608 514 та овоз; "Қаршилар" - 1 453 930 та овоз;
"Бетарафлар" - йўқ.

Базарбаева Нигора Раҳимжановна томонидан кўрсатилган номзодлардан:

Абдурахмонов Муҳиддин Раҳматуллаевич;

"Ёқлаганлар" 1 453 930 та овоз; "Қаршилар" – 2 608 514 та овоз;
"Бетарафлар" - йўқ.

Қодиров Ўткирбек Фозилович;

"Ёқлаганлар" 1 453 930 та овоз; "Қаршилар" – 2 608 514 та овоз;
"Бетарафлар" - йўқ.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

Жамият тафтиш комиссияси аъзолигига қуйидагилар сайлансин:

"Сурхондарёпахтасаноат" ХАБ АЖ томонидан кўрсатилган номзодлардан:

1. Исломов Акмал Хақимович - "Сурхондарёпахтасаноат ҳудудий филиали" МЧЖ директори.

2. Сатторов Махмудхон Муҳаммадиевич - "Сурхондарё минтақавий пахта терминали" МЧЖ, Меҳнат ва иш ҳақи бўйича иқтисодчи.

3. Чариев Комил Абдуллаевич - Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси мутахассиси;

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича жамиятнинг бош директори У. Джумаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 19-сентябрдаги "Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларни янада ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги 744-сон қарорига

асосан “Жаркўрғон пахта тозалаш”АЖ “Termez jayhun Clusrter” МЧЖ га 5 йил муддатга бўлиб тўлаш шарти билан сотилиши белгиланганлиги ҳамда замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш ва ишлаб чиқариш заруриятига кўра жамиятнинг янги ташкилий тузилмаси билан йиғилиш қатнашчиларни таништирди.

Янги ташкилий тузилма хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг классификаторига асосан ишлаб чиқилганлигини маълум қилинди.

Бундан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорлардан жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёклаганлар” – 4 062 444 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг янги ташкилий тузилмаси 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов сўзга чиқиб, жамиятда 2019 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларидан жамиятга келиб тушган куйидаги тижорат таклифлари билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди:

т/р	Аудиторлик ташкilotининг номи	Мурожаат санаси	Миллий стандартлар бўйича аудиторлик текшируви учун (минг сўм)	Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари бўйича аудиторлик текшируви учун
1	“NEW GLOBAL PROFESSIONAL-AUDIT” МЧЖШ	24.05.2019й. № 173	5 000 000	5500000
2	“Академик- Аудит” МЧЖ	19.11.2019й. № 292	6 000 000	6 000 000
3	“HIMOYA- AUDIT” МЧЖ	20.05.2019й. № 58	5 500 000	5 500 000
4	“HOBUR-AUDIT” МЧЖ	24.05.2019й. № 173	5 000 000	6 500 000
5	“Мустақил-М” МЧЖ	09.11.2019й. № 01- 02/348	6 500 000	7 000 000
6	“PROGRESS-AUDIT” МЧЖ	10.05.2019й. № 225 КА	5 000 000	5 000 000

Мухокама давомида жамият бош ҳисобчиси Р. Турсунов жамиятга келиб тушган тижорат таклифларни инобатга олган ҳолда, ташқи аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотлари орасидан малакали мутахассисларга ҳамда энг қулай нархларга эга бўлган аудиторлик ташкилотини танлаш зарурлигини билдирди.

Шундан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорларидан 2019 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувидан ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш масаласи бўйича ўз маносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“NEW GLOBAL PROFESSIONAL-AUDIT” МЧЖШ - Миллий аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар” –1 453 930 овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

- Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар” –1 453 930 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

“Академик Аудит” МЧЖ Миллий аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар” –йўқ; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар” –йўқ; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

“HIMOYA AUDIT” МЧЖ - Миллий аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар” – 2 608 514та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

- Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар” –йўқ; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

“HOMBUR-AUDIT” МЧЖШ - Миллий аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар” –йўқ; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар” – йўқ; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

“Мустақил-М” МЧЖ - Миллий аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар” –йўқ; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар” –йўқ; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

“PROGRESS AUDIT ” МЧЖ - Миллий аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар” –йўқ; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

- Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар” –2 608 514 овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. 2019 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини:

- Миллий аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун “НІМОҲА АУДИТ” МЧЖ аудиторлик ташкилоти танлансин ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг миқдори – 5 500,0 минг сўм белгилансин;

- Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун “PROGRESS-AUDIT ” МЧЖ аудиторлик ташкилоти танлансин ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг миқдори - 5 000,0 минг сўм белгилансин.

2. Жамият ижроия органи раҳбарига:

- юқорида кўрсатилган аудиторлик ташкилотлари билан белгиланган тартибда шартномаларни тузсин;

- қонунчиликда белгиланган муддатларда жамият Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгашига аудиторлик текшируви натижалари бўйича ҳисобот ва хулосаларни киритсин.

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича. йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов сўзга чиқиб акциядорларга Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга ўзгартириш киритилганлигини инобатга олиб, жамият Уставига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда

тайёрланган жамиятнинг янги тахрирдаги Уставининг 6-иловага мувофиқ лойихаси билан таништирди.

Муҳокамадан сўнг, акциядорлардан мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришлари сўралди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 2 608 514 та овоз; “Қаршилар”- 1 453 930 та овоз;

**** “Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

1. Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 60-моддасига асосан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинмаганлиги сабабли ушбу масала бўйича акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилинмади.

Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов ўн олтинчи масала бўйича Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга ўзгартириш киритилганлигини инобатга олиб, Жамиятнинг янги тахрирдаги “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги 7-илова, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги 8-илова Низомларга қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида айтиб ўтиб, тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 4 062 444 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

Жамиятнинг янги тахрирдаги “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомлари тасдиқлансин.

Кун тартибидаги ўн олтинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов сўзни жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори-бош ҳисобчи Р. Турсуновга берди.

Р. Турсунов сўзга чиқиб, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 88-моддасига асосан жамиятнинг акциядорларнинг умумий йиғилиши аффилиланган шахс билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақлилигини айтди ва акциядорлар эътиборига жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимлар рўйхатини ҳавола этди. Йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорларга кун тартибидаги мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 2 608 514 та овоз; “Қаршилар” - 1 453 930 та овоз;

“Бетарафлар” - йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн олтинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. ЎЖамиятнинг аффилланган шахслари билан келгусида жамият томонидан қундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимлар рйхати 9-иловага мувофив тасдиқлансин.

Кун тартибидаги ўн ўн еттинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов сўзни жамият кузатув кенгаш аъзоси М. Қаяумовга берди.

М. Қаяумов жамиятнинг 2018 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш - Депозитарий "Сурхондарё ВАКТ" МЧЖ томонидан ўтказилганлигини маълум қилиб, ушбу ташкилотнинг 2019 йил 5 июндаги №10-19-сонли хулосани акциядорларга ўқиб эшиттирди 10-илова. Хулосага асосан, жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимида бир қанча камчиликлар аниқланган ва жамият корпоратив бошқарув тизими даражаси –128 баллга 10,67 % баҳоланган, яъни коникарли деб эътироф этилган.

Бундан сўнг Ш. Курбанов сўзга чиқиб, Корпоратив бошқарув кодексига асосан жамиятларда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича чоралар кўриш ижроия органи зиммасига юклатилганлигини айтиб ўтди.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорларга жамиятда 2018 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш бўйича берилган хулосани маълумот бўйича қабул қилиш бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 4 062 444 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн еттинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятда 2018 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари бўйича Депозитарий "Сурхондарё ВАКТ" МЧЖ нинг хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жамият ижроия органи раҳбарига:

- 2018 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чораларни кўрсин ва икки ҳафта муддат ичида жамият кузатув кенгашига йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни киритсин.

Кун тартибидаги ўн саккизинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов сўзни жамият бош директори У.Джумаевга берди.

У.Джумаев Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида замонавий уруғчилик кластерларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 18 июндаги 512-сон қарорида:

-қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчиликларини ишлаб чиқариш бўйича уруғчилик кластерлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Уруғчиликни ривожлантириш маркази” Давлат унитар корхонасини ташкил этиш;

-тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни киритиш орқали уруғчилик кластери ривожланишини таъминловчи инвесторнинг биргаликдаги иштирокида уруғчилик кластерларини ташкил этиш;

-уруғчилик кластерларига ўтказилаётган пахта тозалаш корхоналарининг бино-иншоотлари жамиятлар бошқарув органлари қарори асосида белгиланган тартибда 5 йил муддатга бўлиб тулаш шарти билан сотиш белгиланганлиги ҳақида гапириб ўтди.

Шу билан бирга, “Сурондарёпахтасаноат” ХБАЖнинг 2019 йил 31 майдаги 01-01/40-сон хатида ва “Ўзпахтасаноат” АЖнинг 2019 йил 29 майдаги 01-16/3296-сон хати ҳамда “Уруғлик чигит тайёрлаш цехларининг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари” дастурига асосан пахта тозалаш корхоналари томонидан янги ташкил этиладиган масъулияти чекланган жамияти шаклидаги пахта уруғчилигига ихтисослаштирилган корхонанинг устав жамғармасига уруғлик чигит тайёрлаш цехи бино-иншоотлари ва бошқа асосий воситаларини таъсисчилик улуши сифатида киритиш масаласини жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритиш сўралган. Бундан сўнг, У.Джумаев уруғлик чигитни қайта ишлаш учун ташкил этиладиган МЧЖ “Жарқўргон пахта тозалаш” АЖга молиявий даромад келтириши ва экиладиган уруғлик чигит сифатини оширилиши тўғрисида маълумот берди.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорларга мазкур кун тартибидаги масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**“Ёқлаганлар” – 4 062 444 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн саккизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида замонавий уруғчилик кластерларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 18 июндаги 512-сон қарори ҳамда “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖнинг 2019 йил 31 майдаги 01-01/40-сон хати, “Ўзпахтасаноат” АЖнинг 2019 йил 29 майдаги 01-16/3296-сон хати ва “Уруғлик чигит тайёрлаш цехларининг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари” дастури маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Жамият ижроия органи раҳбарига қуйидаги ҳолатларда йирик битим тузишга розилик берилсин:

-Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 июндаги 512-сон қарорига асосан танлов натижаларига кўра танланган уруғчилик кластерларига мол-мулкларни белгиланган тартибда 5 йил (йиллик тенг миқдорларда) муддатга бўлиб тўлаш шарти билан сотишга;

-Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 июндаги 512-сон қарорига асосан танлов натижаларига кўра уруғчилик кластерларига сотилиши белгиланмаган тақдирда, жамият томонидан янги ташкил этиладиган масъулияти чекланган жамияти шаклидаги пахта уруғчилигига ихтисослаштирилган корхонанинг устав жамғармасига “Жарқўрғон пахта тозалаш” АЖнинг уруғлик чигит тайёрлаш цехи бино-иншоотлари ва бошқа асосий воситаларини баҳоланган бозор қийматида таъсисчилик улуши сифатида киритишга;

-уруғлик чигит тайёрлаш цехи бино-иншоотлари ва бошқа асосий воситаларини баҳоланган бозор қийматида баҳолаш ишларини амалга ошириш юклатилсин;

-янги ташкил этиладиган масъулияти чекланган жамияти шаклидаги пахта уруғчилигига ихтисослаштирилган корхонанинг таъсис хужжатларини расмийлаштириш ваколати берилсин.

Кун тартибидаги ўн тўққизинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов сўзни сўзни жамият молиявий масалалар бўйича директор Р. Турсуновга берди.

Р. Турсунов акциядорларга жамият томонидан 2018 йил давомида амалга оширилган хомийликлар тўғрисида акциядорларга ахборот берди (маълумот 11-илова қилинади).

Муҳокамада жамият бош директор У. Джумаев иштирок этиб, ҳар бир хомийлик мақсадли равишда Ҳукумат дастурлари асосида амалга оширилганлигини таъкидлаб, 2018 йилда 35 635 000 сўмлик хомийликларни рўйхатга асосан тасдиқланишини ҳамда жамият харажатига олиб боришга розилик берилишини йиғилиш иштирокчиларидан сўради.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорларга мазкур кун тартибидаги масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ўқлаганлар” – 2 608 514 та овоз; “Қаршилар” – 1 453 930; “Бетарафлар” - йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн тўққизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият томонидан 2018 йил давомида амалга оширилган хомийликлар рўйхати 11-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва жамият харажатига олиб борилсин.

Кун тартибидаги йигирманчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов сўзни жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори Р. Турсуновга берди.

Р. Турсунов сўзга чиқиб, жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари бўйича қарздорлик таҳлилини ўтказувчи ишчи-гуруҳи томонидан тасдиқланган хулосасига асосан қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг 42 709 000 сўмлик дебиторлик ҳамда 47 461 000 сўмлик кредиторлик қарзлари мавжуд ва ушбу даъво муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларни ҳисобдан чиқаришни кўриб чиқиш ҳамда бухгалтерия ҳужжатларида тегишли ёзувларни киритиш таклифни берди.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорларга мазкур кун тартибидаги масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 2608 514 та овоз; “Қаршилар” - йўқ;

“Бетарафлар” – 1 453 930 та овоз. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги йигирманчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:


1. Жамиятнинг қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган 42 709 000 сўм дебиторлик ва 47 461 000 сўмлик кредиторлик қарздорликлар 12-иловадаги рўйхатга мувофиқ ҳисобдан чиқарилсин ҳамда бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувлар киритилсин.

Йиғилишда раислик қилувчи:



Ш. Курбанов

Йиғилиш котиби:



М. Астанақулова

Йиғилиш баённомаси 2019 йил ____ июль кuni икки нусхада тузилди.